Солиқ тизими

# ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА



Мустақил давлатимизнинг такомиллашиб бораётган солиқ тизими бозор иқтисодиёти шароитида тўғри белгиланган солиққа таянар экан, бу борадаги қонунларимиз мазмун ва моҳиятини ҳар бир фуқаро фикран ва қалбан теран англаши ғоят муҳимдир. Бизнинг вазифамиз солиқ тушумлари тўғрисидаги қонун ва кўрсатмаларга амал қилган ҳолда фаолият олиб боришдир. Бу борадаги интилишларимиз натижаси кўнгилдагидек бўлаётир, десак муболаға бўлмайди.

Туманимиз давлат солиқ инспекцияси шу йилнинг биринчи чораги якуни бўйича белгиланган режани 109,7 фоизга бажариб, давлат бюджетига 216368,9 минг сўм маблағ туширишга эришди. Инспекциямиз томонидан белгиланган режага кўра солиқ ходимлари уч ой давомида корхона, ташкилот ва хусусий фирмаларда бўлиб, солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан текширишлар ўтказишди. 34 текширувда солиқ қонунларининг бузилиш ҳолатлари аниқланди. Бунинг натижасида бюджетга 2734,8 минг сўм қўшимча ҳамда 3053,1 минг сўм молиявий жарима ундирилди. Солиқ қонунлари бузилишига йўл қўйган 48 нафар мансабдор шахсларга 318,5 минг сўм маъмурий жазо чоралари кўрилиб, 281,8 сўм давлат бюджети ҳисобига ундирилди. Вақт-вақтида ўтказилиб турилган рейдларда турли ҳолатлардаги камчиликлар борлиги аниқланди. Камчиликка йўл қўйган шахсларга маъмурий жавобгарлик белгиланиб, жарималар белгиланди. Ҳатто қонунбузарликка йўл қўйилган 2 ҳолатда жиноий иш қўзғатилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуни ҳамда Республика Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилги 496-сонли қарорининг бажарилиши юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўтган уч ой давомида фақат режада белгиланган миқдордагина текшириш ўтказилиб, жами текширишлар сони ушбу йил учун 1999 йилга нисбатан 65 фоизга қисқартирилди.

Туман ҳудудида ўтказилган текширишлар жараёнида акциз маркасиз олинган тамаки ва спиртли маҳсулотларини мусодара қилиш бўйича ўз вақтида қарор қабул қилиниб, давлат бюджетига тушумлар туширилди. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўйича ер солиғидан 438,2 минг сўм, мулк солиғидан 3854,5 минг сўм ундирилди.

Туман бўйича якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи 1066 нафар фуқарога қайд гувоҳномаси берилди ва бюджетга 7160,1 минг сўм даромад солиғи ундирилди ёки чорак режаси 100 фоизга бажарилди. Баъзан эса бундай фаолият билан рухсатномасиз шуғулланаётганлар ҳам учраб турибди. Ана шундай ва бошқа қоидабузарликка йўл қўйган 29 нафар фуқарога далолатнома тузилиб, улардан 114,3 минг сўм ундирилди, яъни маъмурий жазога тортилди.

Шунингдек, ўтказилган текширишларда бир фуқаро ўз қайд гувоҳномасини бошқа шахсларга берганлиги аниқланиб, 8,7 минг сўмлик жарима, касса дафтарига савдо пулини ёзмаган бир фуқарога эса 17,5 минг сўм молиявий жарима ва 3,5 минг сўм маъмурий жарима, ДСИ рўйхатидан ўтмаган ҳамда белгиланмаган ерларда озиқ-овқат маҳсулотларини сотган 23 нафар фуқарога 61,9 минг сўм маъмурий жарима солинди. Шундан 12 нафар фуқаро тадбиркорлик фаолиятини бузганлиги учун иши судга оширилиб, уларнинг 23,2 минг сўмлик моллари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини назорат қилиш бўйича ўтказилган 34 та рейднинг 33 тасида қонунбузарлик ҳолатлари мавжуд экан. Жумладан, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари 30 ҳолатда, солиқ қонунчилигининг бузилиши 3 ҳолатда аниқланиб, бюджетга қўшимча ҳисобланган ялпи даромад солиғи жаримаси 103,3 минг сўмни ташкил этди.

Муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар мулкидан ундириш сектори ходимлари томонидан жорий йилнинг уч ойи давомида бюджетдан қарздор корхоналардан 65 тасига 108685,7 минг сўмга талабномалар берилиб, шундан 55 та корхона 57937,8 минг сўм маблағни бюджетга тўладилар. Талабномани жавобсиз қолдирган 6 та корхона иши Наманган вилоят хўжалик судига оширилди.

Табиий ресурслардан фойдаланувчиларни солиққа тортиш борасида ер, сув тўлови, экология, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун ташкилотлардан ўз вақтида ҳисоботлар қабул қилиб олинди. Улар фойдаланаётган 34433 гектар ер майдонига жорий йилда 101140,9 минг сўм ер солиғи ҳисобланди. 68 та корхонага 70,5 гектар ер майдони учун қонунда кўрсатилган имтиёзлар берилди. Ер солиғи ҳисоботини белгиланган тартибда топширмаган 7 та корхонага 208161,4 сўм 10 фоизли молиявий жарима қўлланилди.

Хуллас, ишларимиз кўлами кенг. Мақсадимиз мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга, давлат бюджетини бойитишга ҳисса қўшиб, эл дастурхонини тўкин-сочин айлаб, юртимиз фаровонлигини таъминлашдир.

**Баҳодир НЕЪМАТОВ,**
**Наманган вилояти,**
**Чортоқ тумани**
**давлат солиқ**
**инспекцияси бошлиғи**



Ҳусанбой Абдуллаев Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги "Жўрак" жамоа хўжалигида 1987 йили ҳуқуқшунос сифатида иш бошлаганди. Сўнгра қишлоқ фуқаролар йиғинида котиб, туман ҳокимлигида ҳуқуқшунос вазифаларида ишлади. Ишдан ажралмаган ҳолда Фарғона Давлат Университетининг ҳуқуқшунослик куллиётини битирди. Ҳозирги кунда эса у Олтиариқ тумани давлат нотариуси вазифасида фаолият юритиб, фуқароларга юридик хизмат кўрсатаяпти.

**Суратда: нотариус Ҳусан Абдуллаев ва котиба Ҳулкарой Ўтановалар.**

**Ғанижон МУҲАММАДҚОДИРИЙ олган сурат**



Бекобод шаҳар Давлат солиқ инспекцияси жамоаси давлатимиз хазинасини тўлдиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишаяпти. Бунинг боиси жойларда олиб борилаётган ташвиқот-тарғибот ишларининг яхши йўлга қўйилганлигидадир.

Суратда: (чапдан) пешқадам солиқчилардан Манзура Мавлонова, Ҳамид Абдукаримов, Дилшод Ҳамроев ва Шаҳноза Деҳқоновалар иш устида.

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат**

# ОИЛА — ВАТАН ҚЎРҒОНИ

*Ҳуқуқ ва мажбурият*

Никоҳ оиланинг бошланиши, унинг асосини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади», деб кўрсатилган.

Эр-хотин ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар, никоҳга кириш қонун-қоидалари Оила Кодексида баён қилинган.

Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Узрли сабаблар бўлганда бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат берилиши мумкин. Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқаларда) никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин.

Никоҳ тузиш ихтиёрийдир: бўлажак эр-хотин ўз розиликларини эркин ифода этиш имкониятига эга бўлишлари керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш таъқиқланади. Жиноят Кодексининг 136-моддасига биноан, аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш учун муайян жавобгарликлар-олти ойлик қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган.

Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш қилиб белгиланган. Узрли сабабларга кўра, никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимоси бўйича никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Сўнгги йилларда никоҳларнинг ёшариши - қизларнинг 16-17, баъзида эса 15 ёшда ҳам турмушга чиқиш ҳоллари кузатилмоқда. Бу фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олинмасдан бирга яшайдиган эр-хотин муносабатлари шаклидир. Диний маросимлар бўйича расмийлаштирилган никоҳлар ҳам кўпайиб бормоқда. Фақат қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган никоҳгина эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини юзага келтиради. Никоҳнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатдан ўтказилишининг устунлиги шундаки, у эр-хотинлар орасидаги муносабатларни тартиблаштиради, мерос, нафақа каби ҳуқуқларни расмийлаштиришни осонлаштиради. Бу эса жуда муҳимдир.

Никоҳ тузишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар эса қуйидагилардир: никоҳга кирувчилардан бири (эркак ёки аёл) бошқа никоҳда бўлиши; қариндошлар ўртасида, туғишган ёки ўгай ака-укалар билан сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олинганлар ўртасида; никоҳ тузувчи шахслардан бирининг руҳий касаллиги ва бошқа сабабларга кўра муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича маслаҳат бериш уларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади. Никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги борлигини бошқасидан яширган бўлса, никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб, судга мурожаат қилиши мумкин.

Оила Кодексининг 23-моддасига асосан эр-хотиннинг никоҳ даврида орттирган мулклари уларнинг биргаликда умумий мулки ҳисобланади. Эр-хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва ўзга даромадларга эга бўлмаган тақдирда ҳам умумий мулкка нисбатан баб-баравар ҳуқуққа эга бўлади. Эр-хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли мол-мулки, шунингдек, никоҳ давомида мерос ёки ҳадя тариқасида олган мол-мулки уларнинг ҳар бирига тегишли мулк ҳисобланади. Эр ва хотин, никоҳ шартномасига кўра, биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган тартибини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиннинг ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир. Эр ва хотин ўртасида никоҳ шартномаси никоҳга қадар ҳам, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Ёшларимиз мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий сиёсати, унинг мазмуни, ҳуқуқий-иқтисодий томонларини яхши билишлари, ҳуқуқий билимларга эга бўлишлари зарур. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган қисқа вақт мобайнида Халқаро ҳуқуқнинг барча талабларига жавоб берадиган ўзининг Конституциясига эга бўлди. Ёшларимиз Конституциямизни, қонунларимизни яхши билмоғи, уларга риоя қилмоғи, ҳақ-ҳуқуқларини таниб олмоғи зарур.

Оилаларнинг мустаҳкам ва ёшларнинг бахтли бўлишлари учун, аввало, уларнинг ўзлари оилавий муносабатларга тайёр бўлишлари керак. Йигит ва қиз тўйдан олидн, турмуш ва оила ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришлари керак.

**Матлуба ҒУЛОМОВА,**
**Самарқанд шаҳар «Панжоб»**
**Бахт уйи мудираси**

Журъат

# БАҲОЙИНГИЗ БИР КИЛО МИСМИ?



Баъзи тенгдошларим учун арзимас - оддий туюлган воқеалар мени нечундир узоқ қийнайди. Агар «Инсон ва қонун»нинг шу йил 18 апрел (№16) сони қўлимга тушмаганида эди, балки ўша тунги воқеа мени яна қийнаган бўлармиди. Гап шундаки, газетанинг 3-саҳифасидаги «Мактублар, мактублар...» рукни остида чоп этилган хатлар, шикоятлар ва таҳририятнинг уларга билдирган қисқа, аниқ, юракка ойдинлик, ишонч солувчи ҳуқуқий йўналишларини ўқиб бир дунё муаммолардан қутулгандек бўлдим. Дастлаб арзимас - майда кўринган қонунбузарлик вақт ўтиб катта хатоларни бошлаб келиши - натижада жабрланувчининг адолат пойига яқинлашолмай йиллаб сарсон бўлиши каби ҳоллар саҳифада шарҳланиши газетанинг ўз йўлига хос шижоатли, эзгу ишларининг натижаси деб биламан. Барча нашрларимиз ҳам газетхоннинг мурожаатига шундай - ҳушёр муносабатда бўлса, биз ҳуқуқий давлат сари янада илдамроқ одимлаймиз, чунки мустақилликнинг мустаҳкам илдизларидан бири бу қонундир.

Тўғрисини айтсам, шу кундан «Инсон ва қонун»нинг чин мухлисига айландим, чунки газета журъатли бўлишга, кўнглимдаги пинҳон орзуларимнинг қатъийлашувига ёрдам берди. Энди мен сира иккаланмай журналист бўлишга аҳд қилдим. Балки ушбу мулоҳазаларим менинг биринчи мақолам, танлаган касбимга яқинлаштирувчи илк қадамим бўлар.

...Яқинда хусусий автобусда Тошкентга бордим. «Икарус» русумли машина 20 чоғли йўловчи билан кундуз соат 2 да йўлга тушди. Автобусда бўш ўриндиқлар анчагина эди. Йўлда қўл кўтарган кишиларни ҳайдовчилар негадир олишмади, илгари бундай ҳолни кўрмаган эдим. Ҳамиша йўловчилар устида талаш эди. Манзилга тезроқ етарканмиз-да, деб суюндик. Ҳатто ҳайдовчилар йўлкира учун талашиб-тортишмади ҳам. Хуллас, автобусимиз кеч соат 10-$10^{30}$ лар чамаси бир жойга келиб тўхтади. Атрофи девор билан ўралган бу жойда мис, алюмин қабул қилинар экан. Навбат бизга етганида 4-5 киши устларига эски чопонларни кийиб, машина юкхонасидан, бошимиз устидаги қўл юклари жойлаштириладиган жойдан эритиб қуйилган алюмин бўлакларини ҳансираб тушира бошлашди. Қоп-қанорларда жойланган металлни худди пахта тортгандек тарозида ўлчаб қабул қилишди. Биз йўловчилар анча кутиб қолдик. Тез-тез соатига қараб безовта бўлаётган бир қария:

- Шофёр болам, тезлатишнинг иложи йўқми, метро ёпилмасдан Тошкентга боришим керак, - деб узрини айтди. Шунда терлаб-пишиб «юки»ни пуллаётган шофёрлардан бири:

- Жим турсангиз-чи, амаки, мен сизни бир кило миснинг пулига олиб келаяпманку, раҳмат дейишнинг ўрнига иғво бошлайсиз, ҳе, яхшилик қилганнинг... - деб сўкинди.

Юракка оғир ботувчи камситиш, ҳақоратдан кўпчиликнинг дили оғриди. Ҳалиги амаки эса хўрсиниб бошини эгди, шофёрлар пулни санаб, жойлаштириб, йўлга тушганимизда соат 12 дан ошган эди.

Ёнидаги ҳамроҳимдан бир кило миснинг нархини сўраганимда:

- Беш юз олтмиш сўм, - деб маълум қилди. Алюминнинг нархи эса 280 сўм экан... Президентимиз қароридан кейин ҳам ўйламай-нетмай юрт бойлигини ўзгаларга пуллаётган нафс бандалари - юлғичларга нисбатан нафратим ошди. Қўлларига пул тушгач, одамни менсимай қўйганлари-чи? Шу ўринда бир таклифим бор: жойларда қоғоз-макалатура йиққан каби металл йиғиш, қабул қилишнинг мақбул йўлини топса бўлмасмикан? Балки аҳолига мурожаат қилиш керакдир, шунда талон-тарожликнинг олди олиниб, қимматли бойлигимиз ўзимизда қолган бўларди.

**Нозигул ТОҲИРОВА,**
**Шофиркон тумани**
**Жўрақул Тўраев**
**номидаги 40-ўрта мактаб**
**10-синф ўқувчиси**

Қилмиш-қидирмиш

# «ҒОВ» ОЛИБ ТАШЛАНДИ



- Пулни олиб келсангиз, пиёз учун сув оласиз, бўлмаса йўқ!

Раиснинг бу гапи кечгача Ғафурнинг асабига тегиб юрди. Аччиқ устида шу тадбиркорлигидан кечиб қўя қолгиси келди. Бироқ қилган меҳнати, сарфлаган харажатига ачинди. «Ахир, бу ишга 250 минг сўм сарфлаган эдим. Бошда шу ишга қўл урмасам бўлар экан. Тадбиркорликка алоҳида эътибор берилаяпти, деб пиёз экишни ният қилгандим. Аслида далада ишлашни яхши кўрганим мени шу кўйга солди, йўқса кимсан туман марказий шифохонасининг жонлантириш бўлимининг шифокориман. Ишсиз қолиб кетганим йўқ эди-ку», деб ўйлади. Кейин кўм-кўк бўлиб ердан бош кўтарган барра пиёзга қараб вақтида сув қуймаса меҳнати куйиб кетишини ўйлаб, яна раис ҳузурига отланди.

* * *

Ғафур Нормўминов Нишон туман «Балхияк» жамоа-ширкат хўжалигида яшайди. Бир куни хўжалик раиси Алимов Долливой акани кўриб, салом-алик қилди ва гап орасида ер сўради. Раис хурсанд бўлди. Биров ишлайман, дея ўз хоҳиши билан айтади-ю, ер бермайманми? Ана 2,30 гектар ер сизга, хоҳлаган нарсангизни экинг. Кейин ҳужжатлаштирамиз, деди. Бироқ раис тезда ишдан бўшаб, бошқа хўжаликка кетди. Янги раис Хайрулла Бердиев Ғафурни чақиртирди.

- Хўш, қандай келишамиз? - деди у.

- Шартнома тузайлик-чи, мен 2,30 гектар ерга пиёзнинг эрта пишар «Чилги» уруғининг ҳар килосини 4700 сўмдан 40 кило олиб экдим. Бу пиёз енгил келади. 1 гектар майдонга 12 тоннадан келишсак бўлади. Минерал ўғитларни, албатта, сиз берасиз, - деди Ғафур.

- Шартнома керак эмас, гап шартнома ҳақида бораётгани йўқ. Мен раис бўлиш учун тегишли жойга пул бериб келганман, энди сиздан олмасам, бошқалардан олмасам қандай қоплайман. Сиз 2 гектар ердан 15 тоннадан 30 тоннагача ҳосил олишингиз мумкин. Ҳозир пиёзнинг ҳар бир килоси 15 сўмдан бўлса, жами 450 минг сўм бўлади. Ҳозир шу 450 минг сўм пулни берасиз, - деди раис.

- Аввал ерга қонуний эгалик қилай, ҳужжатлаштирайлик, пиёзнинг ҳосилини йиғиштиргандан сўнг гаплашамиз, - деди тадбиркор.

- Йўқ, - деди раис чўрт кесиб. - Ҳозир берасиз.

- 200 мингини берай, агар ҳосил харажатни қопламай қолса, аҳволим ёмон бўлади. Илтимос, мени тушунинг. Мен ҳам пулни осмондан олмайман-ку.

Хуллас, раис тадбиркорнинг гапига кўнмади. Осмонданми, ерданми 450 минг топиб келмаса бўлмаслигини айтди.

Ғафур раисдан яна бир бор илтимос қилди. Пулни топгунимча пиёзга сув бериб туринг, деб.

Раис эса: - Йўқ, тез кунда пулни келтирмасангиз сув берилмайди. Пиёз экилган ерни ҳайдатиб, фойдаси тегадиган бошқа нарса эктираман, - деди.

Раис қорасини кўрсатмай кетган Ғафурни акасидан яна чақиртириб юборди.

- Тез келсин, бўлмаса иши чатоқ бўлади. Айтинг.

Раис ва тадбиркор яна учрашди.

Бири пули йўқлигини айтса, бири пулни олиб бермаса «эзиши»ни айтди.

- Мен пул топаман, деб итдай изғидим, раис бува, бўмаяпти. Бир-икки танишларга қарз бериб қўювдим. Топиб беролмаяпти. Ўзингиз қўлламасангиз бўлмайди, - деди Ғафур.

- Мени ҳам иложим йўқ.

- Менга қаранг, раис бува. Уларни ўзингиз рози қилиб юборинг.

- Иложи йўқ, дўхтир. Менам бор пулимни одамлардан ололмаяпман.

- Хўп, жами 360 минг келтириб бераман, қолганини кейин.

- Энди кейин берадиганингизнинг келгуси йил қадри қолармиди? Долларнинг нархини кўраяпсиз-ку.

Индамаса, бу раиснинг нафси ҳакалак отаётганини кўриб, Ғафур ғазабланди. «Нима учун пул беришим керак? Тадбиркорлик гуноҳми? Ўғирлик қилибманми?»

Шундай дея у вилоят прокуратурасига йўл олди. Тадбиркорни ҳам ҳимоя қиладиган қонун бор-ку, дея аризасини топширди-ю, қушдек енгил бўлди. Неча кундан буён бошини оғритиб юрганидан афсусланди. Ҳа, тадбиркор тадбир топган эди.

1999 йилнинг 23 декабрида раис билан тадбиркор кечки соат 9.30 гача берилиб пул санашди. 330 минг сўм пулни ғолибона санаб олган раис орган ходимларини ўз уйида кўриб, чўчиб тушди ва Ғафурга қараб мағлуб бўлганини билди.

Ҳа, ўз нафсини ўйлаб, Ватан ва халқ манфаатини, инсон ҳуқуқини унутган мансабдор Хайрулло Бердиевнинг хўжаликни ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига пора олиш йўлида қилган саъй-ҳаракатлари шу тариқа якун топди.

Ерни, элни тилини биладиган, ўзини ҳам, ўзганинг ҳам меҳнатига ичи ачийдиган, қадрлайдиган киши хўжаликка бош бўлса, ўша ерда барака, унум бўлади. Бугунги кунда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилаётганлар ҳақида кўп гапирилаяпти. Бу ҳақда мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ давлатимиз раҳбари жон куйдирган ва алоҳида қонунлар ишлаб чиқилган эди. Бироқ эски тузум қонига сингиб қолган айрим мансабдорлар ерни ўз эгасига бергиси келмаяпти. Берса ҳам сувдан, техникадан қийнаб, тадбиркорнинг эркин фаолият кўрсатишига халақит бермоқда. Ана шундай «катта»лар томонидан «шилинаётган» тадбиркорлар «банкрот»га учраши тайин. Бугун бу ҳақда бонг урилаяпти. Бироқ ҳануз кўзи очилмаётган айрим мансабдорлар қоғозбозликка, сансалорликка, таъмагирликка берилиб, ҳалол меҳнат қилиш истагида бўлган инсонлар йўлига ғов бўлишни давом эттирмоқдалар. Шу боис қонун ҳимоячилари ҳам тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун астойдил кураш бошладилар.

Нишонлик тадбиркор Ғафур Нормўминовнинг «тадбири» туфайли битта таъмагир қўлга тушди. Ниятимиз - эзгу иш, мақсад йўлида фаолият бошлаётган ишбилармонлар, тадбиркорлар иккиланмасин. Уларни қўллаб-қувватлайдиган қонун бор. Улар ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб етган ҳолда қонунга таяниб иш бошласалар, асло қоқилмайдилар.

**Насрулло АКБАРОВ,**
**Қашқадарё вилоят**
**прокуратурасининг бўлим бошлиғи**



*Чорва ҳам уддалаганга яхши даромад келтиради*

Ш. АКРАМОВ олган сурат.

# АЁЛ - САОДАТ ТИМСОЛИ

*Қадр*

Аёллар латофат, ақл-заковат, меҳр-муҳаббат рамзидир. Тарихдан маълумки, эркакларни тўғри йўлга солиб, уларни катта зафарлар сари чорлашда аёлларнинг ўрни беқиёс бўлган. Аллоҳга иймонлари бақувват, қиёматдан умиди бор момоларимизнинг сабру қаноати, яхши панд-насиҳатлари, доно тадбирлари-ю, дуо-илтижолари юртимизда кўп зафар, муваффақиятлар омили бўлган. Имом ал-Бухорий, Ибн Сино, Форобий, Ал-Хоразмий, Имом ат-Термизий, Улуғбек каби алломаларимиз, шоир-фозилларимиз шуҳратларининг сабабчиси ҳам уларнинг дуогўй оналари-ю, мўмина, муслима аёллари эканини ким рад эта олади? Шунингдек, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур каби улуғ давлат арбоблари, буюк саркардаларни зафарга чорлаган ҳам оқила аёллар эмасми?



Суратда: Ўғилой ая невараси Бобур билан.

Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги Чоштепа маҳалласида истиқомат қилувчи ҳожи она — Ўғилой ая Қўшоқовани ҳар гал кўрганимда жуда-жуда завқланаман. Оиласига, муомаласига ҳавасим келади. Барча аёлларимиз ҳам худди шундай меҳр-оқибатли бўлса, дейман.

Ўғилой ая раҳматли турмуш ўртоғи Абдуҳаким ҳожи бува билан беш ўғил, беш қизни тарбиялаб, вояга етказишди. Уйли-жойли қилишди. Тўнғич ўғиллари Раҳмонберди ички ишлар тизимида. Кенжаси Ўткиржон ҳам унинг изидан борди. Ҳозир у ИИВ Академиясида таҳсил олмоқда. Тўрт келин, беш куёв, йигирма етти невара кўрган онахон фарзандлар меҳри оғушида кексалик гаштини сурмоқда.

- Бу дунёда тинчлигу саломатлик, қолаверса, оилавий хотиржамликдан катта бойлик йўқ, - дейди Ўғилой ая. - Фарзандларим даврасида кечган ҳар бир сониям мен учун қувончлидир. Зеро, ҳадисдаги «Фарзандлари бўла туриб зериккан аёл нафратга лойиқдир», деган битикка юз карра ишонч ҳосил қиламан.

**- Ўғилой ая, сиз ҳамма ҳавас қиладиган аҳил, пиру бадавлат хонадоннинг бекасисиз. Баъзи оилалардаги нохуш воқеаларнинг, ноаҳилликнинг сабабини нималарда деб ўйлайсиз?**

- Аллоҳга шукрки, истиқлолимиз туфайли миллий урф-одатларимиз тикланиб, қадриятларимиз қарор топди. Халқимиз — болажон. Уларнинг орзу-ҳаваслари ҳам кўп. Бешик, суннат, никоҳ тўйлари деб тиниб-тинчишмайди. Ҳозирги давр талаби имкон даражасида бу маросимларни исрофгарчиликсиз ўтказиш. Лекин «мен сендан камми» қабилидаги «пойгалар» оилаларда қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Тўйдан кейин куёвнинг туғилган куни, гапи, ҳайит кабиларда «тоғора мусобақалари» авж олади. Бешик тўйларини айтинг. Бу каби ҳеч қаерда йўқ ортиқча дахмазалар оилани мустаҳкамлаш ўрнига дарз кетказади.

Ҳозир ажралишлар содир бўлаётганидан ачинамиз. Аксарият оилаларда келиннинг бошқаларни менсимаслиги, куёвнинг мустақил фикрлай билмаслиги, кўпинча она йўриғига кириб, хотинини хўрлаши ҳам бунга сабаб бўлади. Тўй ва маъракаларнинг қандай ўтишига бефарқ бўлмаслигимиз, ортиқча дахмазаларни камайтиришимиз лозим. Ана шунда ёшларимиз турмуш қурган дастлабки кунлариданоқ ҳаётга файз-барака киради, оилада ҳам, қудалар ўртасида ҳам кўнгилхираликларга чек қўйилади.

**- Онахон, бу йил Ҳаж сафарига бориб келибсиз.**

- Раҳматли турмуш ўртоғим эрта оламдан ўтдилар. Ҳамма фарзандларининг камол топиб, обрў-эътибор, элнинг корига ярайдиган инсонлар бўлиб юрганларини кўролмадилар. Болаларим оталарига насиб этмаган яхши кунларни менга раво кўришди. Ҳажга бориб келдим.

Ота-онага қанча яхшилик ёки қанча эҳсон бўлса, уларнинг ҳаётлик вақтида қилиб, дуосини олиш керак. Баъзи кимсалар ота-она тириклигида ҳолидан хабар олмай, оламдан ўтгач, юз килолаб ош дамлаб, тарқатадилар. Бундай ишларни мен савоб эмас, риёкорлик деб ҳисоблайман.

**- Беш келиннинг қайнонасисиз. Келинлардаги қайси фазилатларни ёқтирасиз?**

- Тонг саҳарда туриб озодаликка интилган келинчакларни ёқтираман. Момоларимизнинг айтишича, келин тушган хонадон остонасидан фаришталар унинг тилакларига маҳтал, ҳозиру нозир тураркан. Покиза, покдомон, ёруғ хонадоннинг дарвозасидан ҳатто шайтонлар ҳам ҳатлашга журъат қилмасмиш. Шунинг учун бувижонларимиз шарқона удумларимизга кўра янги келинчакнинг субҳи козиб эшик очишига, озодалиги, саришталигига қараб эҳтиром қилганлар. Илойим, ана шундай келинларимиз, қизларимиз бахтимизга омон бўлишсин.

Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, Ҳажнинг бутун ибодатларини адо этарканмиз, ўша муқаддас манзилларда ҳам мустақил Ватанимиз, халқимиз ва Президентимизнинг меҳр- далдасини сезиб турдик. Тенглар ичида тенг мамлакатимиз, давлатимиз борлигидан фахрландик. Оллоҳдан юртимизга янада равнақ, халқимизга бахт-саодат, ҳидоят тилаб, кўп-кўп дуолар қилдик.

**Муҳаррам ЖАЛИЛОВА суҳбатлашди.**

*Ҳуқуқ жонкуярлари*

# ОТА ЎГИТИНИ ДИЛГА ЖО ЭТИБ...



- Анави девқомат йигитни танигандай бўлаяпман.

- Албатта танийсиз-да, ахир, у ўзимизнинг Сурат ака-ку! Аммо... йигитлик ёшини ўтаб, олтмишни қоралаб қолдилар.

- Қўйсанг-чи, ҳа-я... айтгандай...

Бу суҳбат шу кунларда Адлия вазирлиги биноси йўлагида қулоққа чалинган эди. Сурат ака ҳамкасб - биродарларини излаб келган пайт экан.

Дарҳақиқат, ишонгинг келмайди. Лекин наилож. Йиллар бир-бирини қувлаб ўтаверади. Инсон умри эса бамисоли дарё. Ҳужжатлар сўзлайди: Сурат Саидазимович Юсупов, 1940 йилда Сирдарё вилоятининг Мирзачўл шаҳрида туғилган...

Сурат ака республикамизда таниқли ҳуқуқшунос, прокурорликнинг оғир ва мураккаб чорраҳаларини босиб ўтган, кўплаб шогирдлар етиштирган марҳум Саидазим Юсуповнинг фарзанди. Касб танлашда ота намуна ва ўрнак бўлган. Падарнинг эзгу ишларида давомчи бўлиш бахти насиб этган фарзанд доимо ютган.

Сурат Тошкент Давлат Университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ўқиб юрган кезларида ота шундай деган эди: «Ўғлим, ҳуқуқшунослик ортида катта ҳуқуқ, халқ олдида чексиз масъулият юкланган бўлади. Ҳуқуқ ортида инсон тақдири, дарду ташвиши туради. Қонун, виждон, адолат деган туйғуларни ҳеч қачон унутмагин!» Бу сўзларни ўғил қалбига жойлади. Ҳанузгача ўзига ҳамроҳ қилди, фаолиятида амал қилди. Шогирдларига, ўз фарзандларига ўтказди.

У меҳнат фаолиятини, 1963 йилда олий ҳуқуқшунослик дипломини олгач, Тошкент вилоятида адвокатликдан бошлади. Бир йилдан сўнг прокуратура идораларига ишга ўтказилди. Тошкент шаҳар туман прокуратураларида 8 йилдан ортиқ энг мураккаб касб - терговчилик қилди. Орада ҳарбий хизматга чақирилиб, йигитлик бурчини ҳам ўтаб қайтди.

1972 йилда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси марказий маҳкамасига масъул лавозимга ўтказилди, бу ерда тўққиз йил ишлади. Сўнг Тошкент шаҳар суди судьяси вазифасини қабул қилиб олди. 1984 йилда пойтахт вилояти судининг раиси ўринбосарлиги Сурат акага насиб этди. Бу масъулиятли, кенг кўламли ва мураккаб вазифада, мана 16 йилдан буён шараф билан меҳнат қилиб келмоқда.

Сурат Саидазимович Юсупов инсонлар тақдири, адолат мезони, қонун устуворлиги йўлида ишлайвериб, энг нозик қалб орзуси - ота насиҳатини бузмаганлигидан бир энтикса, ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг янада ғайрат билан хизмат қила бошлади. Бу иккала қудрат унга янгича куч берди. Шу аснода... олтмишни уриб қўйганини билмай қолибди. Билмай қолган бўлсангиз, билдирамиз, эслатамиз. Сурат ака, Сиз муборак довондан ошаяпсиз. Бу ёғида ҳам ота дуоси, халқ ҳурмати, адолат мезони, мустақиллигимиз шабадаси, шогирдлар ва фарзандлар меҳри Сизга қувват бериб, бардамликни ҳамроҳ қилишаверсин.

Аммо... дўст-ёрларингизга шу қутлуғ кунингизда атаганингиз, ўзбекона, қора қўчқорнинг карт думбаси босилган паловхонтўрани дамлашни унутманг. Биргалашиб, даврангизни тўлдирамиз.

**Бир гуруҳ дўстлари ва ҳамкасблари**

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

## СИРЛИ ТОВУҚ

***Ёки тухум сиртидаги ёзувлар***

**Кеча ҳамкасбимиз боқаётган товуғининг тухумидан бир дона олиб келди. Ажабо, тухумга араб имлосида сўзлар ёзилган эди...**

Илхом АХМЕДОВ

# СУИҚАСД

*Қисса*

**(Боши ўтган сонда)** Замон Али гапиришдан тўхтади. Терговчи унинг ҳикоясини бўлишни истамай, давом эттираверинг, дегандай жимгина тикилиб ўтираверди. Замон Алининг хаёлидан барибир гапларимга ишонмасангиз кераг-ов, деган фикр ўтди. Зоҳиров унинг ҳолатини тушуниб, чўнтагидан «ХОН» сигаретасини олиб, чекасизми, маъносида суҳбатдошига тутди. Суратгир ўзимда ҳам бор, демоқчи бўлди-ю, яна бунақа пайтларда шерикнинг райини қайтариш одобдан эмаслигини ўйлаб, қўл узатди. Коридорда қадам товушлари эшитилди. Эшик очилиб, бояги олифтанамо йигит кўринди.

- Нима дейсан? - зарда қилди унга Зоҳиров.

- Расуловнинг иши бўйича иккита гувоҳ келган экан, - жавоб берди йигит.

- Нега чақиртирдинг? - жеркиб берди терговчи. У суҳбатнинг узилиб қолганлигидан норози эканлиги шундоққина билиниб турарди. - Расуловинг тергов изоляторида бирор ҳафта зиёдроқ турса ҳеч нарса қилмайди. Барибир қамалиши аниқ. Айт, душанба куни келишсин. Э-э, шошма-шошма, гувоҳлар дединг-а.

Йигит бошини қимирлатди.

- Гумашталари эмасми, мабодо?

- Билмадим, - жавоб берди йигит.

- Кимлар экан?

Йигит қўлидаги чақирув қоғозларини унга узатди. Зоҳиров қоғозларга қараб, чақирилганлар айбланувчининг шерикларими ё чиндан ҳам гувоҳлар эканлигини аниқ эслай олмади шекилли, сейфдан қалин папка олиб, шогирдига узатди.

- Қараб кўр-чи, нима учун чақирилган экан.

Улар ўз иши билан машғул экан, Замон Али туриб, дераза олдига келди-да, домла Қаршибоев билан бўлиб ўтган ўша биринчи учрашувларни аниқроқ эслашга уринди. Аммо хонани тобора тўлдириб бораётган тамаки тутуни хотираларни мавҳумлаштириб турган туманли пардани баттар қуюқлаштирарди. Фақат қулоғи остида домланинг «Ўша даврларда ҳам сизга ўхшаш суратгирлар бўлса қанийди, ҳеч ким ҳеч қачон ҳеч қандай маълумотни ўзгартира олмаган бўларди» деяётгани бот-бот такрорланаётгандай бўларди.

Бу орада ёрдамчи йигит бошлиғидан топшириқни олиб чиқиб кетди.

Кулдонда эзғиланган сигарет қолдиғидан кейин тутун сийраклаша борди. Шунда Замон Алининг ёдига ўша суҳбатнинг давоми бироз тутқич бергандай бўлди...

Дарвоқе, - деганди ўшанда Қаршибоев бироз маъюс тортиб. - Тарихни ўзгартириб, ўзлари учун керакли кўринишда сохталаштириб кўрсатишга биз тарихчилар ва сиёсатчилардан бошқа ҳеч ким кўпроқ уринмаган. Сизга ўхшаш журналист ва ёзувчилар ўз асарларини яна шунга асосланиб яратишган. Сизга аниқ маълумотларни ҳам кўрсатишим мумкин. Айтайлик, тарихда ўзининг муқим ўрнига эга бўлган мана шу Хўжа Аҳрор Валидай шахснинг номини ҳам балчиқларга булаб, ўша даврнинг бошқа бир ёрқин юлдузи бўлган Мирзо Улуғбек билан ўзаро келишмовчилик вазиятида кўрсатиб келишган. Мирзо Улуғбекнинг ўлимида Хўжа Аҳрорнинг иштироки борлиги ҳақидаги уйдирмани тиқиштириш нари турсин, бу фитнада ҳатто уни шахсий раҳнамоликда айблаб келишган. Аслида эса ҳечам бундай бўлмаган. Хўжа Аҳрор Самарқандга Улуғбек ҳукмронлигидан кейинги йилларда келган...

Қаршибоев ўша пайтларда Самарқанд тахтида ўтирган қандайдир икки шаҳзодани тилга олганди Замон Али қанчалик уринмасин, уларнинг номини эслай олмади.

- Майли, шарт эмас, - далда берди терговчи. - Давом этаверинг.

Замон Али суҳбатнинг давомини хотирасида тиклашга уриниб, ўйланиб қолди. Зоҳиров унинг фикрини бўлмаслик учун ҳеч қандай савол бермади.

Ўшанда домла эътиборга лойиқ яна бир гапни айтганларини эслайман, - давом этди Замон Али бироз жимликдан сўнг. - Хўжа Аҳрор улкан дин арбоби, катта ер эгаси бўлиш билан бир вақтда ўз даврининг йирик тадбиркори ҳам бўлган. У кишининг бир неча дўконлари, ҳаммомлари, шунингдек, ҳозирги кунда ҳам беқиёс аҳамият касб этиши мумкин бўлган қоғоз ишлаб чиқарувчи корхоналари мавжуд бўлган. Бундан ташқари Хўжа Аҳрор ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам фаол қатнашар, халқ билан подшолик ўртасидаги кескинликни юмшатишга интилар эканлар. У киши «мардуми шаҳр», яъни фуқаро билан ҳукмдорлар ўртасида зулм ва адоватни тўхтатиб тура олишга қодир бўлган шахс туриши лозим. Подшоларни шариат қонунларини бузмасликка даъват этиш даркор, акс ҳолда улар инқирозга учрайдилар, деб ҳисобланар экан.

Замон Али яна жимиб қолди.

Зоҳиров бу гапларнинг ҳаммасини ҳам сўроқ протоколида қайд этиш шарт бўлмаса-да, ҳарқалай Қаршибоевнинг шахси, унинг руҳий олами, дунёқараши, ички дунёси ҳақида тузукроқ тасаввур ҳосил қилиш учун тоқат қилиб тинглашга мажбур эди. Кўнглининг бир четида Қаршибоевни тириклик пайтидаёқ таниса-да, у билан бирор марта бўлсин бафуржа гаплашмагани, акс ҳолда бу мавзудаги гапларни у кишининг ўз оғзидан эшитиш анча мароқлироқ бўлиши мумкинлигини ўйлаб афсусланди. Начора, ҳаётнинг ёзилмаган қонунларидан бири ҳам шундай. Қаердадир ёнгинангда антиқа мевали дарахт борлигини эшитиб, билиб юрасан. Бошқалар унинг мевасидан истеъмол қилиб, мақтаниб юрганлигини эшитасану сенинг ҳам кўнглинг тусаб қолади. Аммо дарахт энди ҳосилдан қолган бўлади.

- Ҳамма кетиб бўлгандан кейин ҳам биз домла билан хиёбон бўйлаб анча сайр қилдик, - давом этарди Замон Али. - Бир неча кўринишларда суратларини олдим. Биласизми, ҳайкал қанчалик чиройли бўлмасин, барибир менинг кўнглим тўлмади, - дедилар домла. Мен, нега энди, дегандай ажабланиб қарадим. - Биласизми-йўқми, йигирма-ўттиз йиллар олдин бу ерлар чўл эди, давом этдилар домла. - Кейин бу ерлар ўзлаштирилиб, туман маркази шу ерга кўчирилди. Бу ерларнинг обод қилиниши яхши иш албатта. Аммо барибир ҳар нарсанинг ўз ўрнида бўлгани ундан ҳам яхшироқ-да. Ҳайкални аслида эски туман марказида Хўжа Аҳрор масжиди олдидаги майдонда қўйишса, айни муддао бўларди, - Султон Али бироз жимиб қолди, сўнг, - умуман, бу гапларга қанча вақт ўтиб кетди. Терговингизга ҳечам алоқаси бўлмаса керак, - деб қўшиб қўйди.

- Йўқ-йўқ, нега энди, эътироз билдирди Зоҳиров. - Терговда ишни ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив ўрганиш лозим деган тушунча бор. Шунга кўра ҳеч бир гапингизни эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак. Сиз хижил бўлмай, билганларингизнинг ҳаммасини айтаверинг.

- Биринчи учрашувимизда бўлиб ўтган гапларнинг ҳаммаси шу. Ҳа, айтганча, ўша куни биз тумандан шаҳарга у кишининг машиналарида бирга қайтдик. Ўшанда Алишер Навоийнинг ҳайкалини кўрсатиб, бу меъморларнинг яна битта эътиборсизлигини кўраяпсизми, шу ҳайкални ҳам тескари қўйишган. Бу ер шаҳарнинг Қарши томондан кириб келаверишдаги дарвозаси ҳисобланади. Ахир, мусулмончиликда эшикдан кираётган ва чиқаётган кишига ҳеч орқа ўгириб туришганми, дедилар. Кейин мен меҳмонхона олдида хайрлашиб, тушиб қолдим.

Зоҳиров жилмайди. Ҳақиқатан ҳам илгари бу ҳайкал суратгир айтгандек ҳолатда турарди. Зоҳиров уни қачон тўғрилаб қўйишганини эслай олмади. Эҳтимол, бунда ҳам Қаршибоевнинг фикри ҳисобга олингандир, ўйлади у. Бир қарашда аҳамият бериб ўтирмаса ҳам бўладигадек кўринган оддий ҳақиқатни ўша вақтларда англаб етмаганлигини тушунди. Шундагина у ўзининг бунақа масалаларда лаёқатсиз эканлигини пайқади ва ўзининг бу ожизлиги ҳозирги ишида мабодо панд бериб қўймасмикан, деган хаёлга борди.

Суратгирнинг гаплари ростми, ёлғонми, ҳозирча бир нарса дейиш қийин. Нима бўлганда ҳам ҳаммасини тоқат билан эшитиш, бирор бир шубҳали жойини илғаб қолгандагина гапни ўшанинг атрофида айлантириш керак. Чалғитаяптими, йўқми, ана шундагина пайқаш мумкин.

- Ўзингиз-чи, ўзингиз у кишига нималар дегандингиз ўшанда?

- Ҳозир эслай олмайман, - деди Замон Али. - Одатда биз журналистлар кўпроқ суҳбатдошни гапиртиришга ҳаракат қиламиз. Эҳтимол, шу мақсадда саволлар берган бўлишим мумкин.

Ҳа, ана энди чалғитаяпти, кўнглидан ўтди Зоҳировнинг.

- Масалан?

- Масалан... - Замон Али лабини чўччайтириб елка қисди. - Масалан, у киши уларнинг ҳаммасини менинг саволларим асосида гапирган бўлишлари мумкин. Аммо мен қандай савол берганимни мутлақо эслай олмайман.

Иккаласи яна жимиб қолишди. Қочган ҳам, қувган ҳам худо дегандай, бири рўпарасида турган катта балиқни илинтира олувчи тузукроқ хўрак топа олиш тугул, ҳатто бу хўракнинг ўзини ушлаб тура оладиган муносиб қармоқ топа олмаганлигидан, иккинчиси эса ўзининг айби нимада эканлигини мутлақо тушуна олмай хуноб эди.

- Ундан кейин-чи?

- Ундан кейин Францияда, Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи тантаналарида учрашгандик. Мана бу суратни ўша ерда туширганман.

- Унда нималар ҳақида гаплашгандинглар?

- Салом-алик, дўстона сўрашишдан бошқа деярли ҳеч нарса.

- Нега энди? Бегона юртда ватандош билан кўришиш...

- Жуда мароқли бўлади, - Зоҳиров гапини тугатмай, бу ёғини илиб кетди Замон Али. - Сизни бу ерда учратаман деб сира ўйламагандим, жуда хурсандман, дегандилар ўшанда Қаршибоев. Хўжа Аҳрор ҳақидаги суҳбатимиз эсингиздами? Амир Темур тўғрисида ҳам худди ўшандай мулоҳазаларни юритиш мумкин. Аждодларимизни жаҳон олимлари қанчалик қадрлашини кўраяпсизми. Худога шукрки, шу кунларни кўриш ҳам насиб қилган экан. Сиз билан бу ҳақда гаплашадиган гаплар жуда кўп эди-ю, аммо ҳозир вақтни бой бермаслигимиз, кўпроқ бу ердагилар билан мулоқотда бўлишимиз керак. Худо хоҳласа, уйда ҳали кўп гаплашамиз, дедилар домла.

- Яна-чи?

- Бўлди. Бошқа ҳеч нарса. Шу билан хайрлашдик. Домла айтганларидек, у ёқдагилардан кўпроқ олишга ҳаракат қилгандик.

Ҳа-а, ана энди алдаётган бўлиши мумкин. Эҳтимол, ана шу ерда иккаласининг гапи қочгандир. Наҳотки, ақалли ярим соат гаплашиш учун вақт топилмаса.

- У кишидан кичикроқ интервью олишга ҳаракат қилмадингизми? - гапни айлантирмоқчи бўлди Зоҳиров.

- Журналист билан фотографнинг фарқига борасизми ўзи? - тутақа бошлади Замон Али. - Интервьюни қаламкаш журналистлар олади. Мен эса оддий фотографман. Фо-то-граф. Мен фақат суратга тушираман, холос. Ҳатто сурат остидаги ёзувларни ҳам кўпинча редакциядагиларнинг ўзлари келиштириб ёзишади.

Рост айтаётганга ўхшади-ёв, ўйлади энди Зоҳиров. Буни қара-я, ҳатто шунинг ҳам фарқига бормас эканман.

- Майли, қизишманг, юпата бошлади ўзи ҳам бироз ҳовуридан тушган терговчи. - Одам тушунмагандан кейин... Сизнинг соҳангизни билмасам. Мана, ўзингизнинг қаламкаш ҳамкасбларингиз ҳам бизнинг ишимизни доимо нотўғри кўрсатишади-ку.

Замон Алининг қошлари чимирилиб, савол назари билан қаради.

- Айтайлик, мана шу одам ўлдириш факти бўйича, - гапига изоҳ бера бошлади Зоҳиров. - Қайси детектив кинони кўрманг, терговни милиция ходими олиб боради.

- Нима қипти?

- Ана кўрдингизми? Аслида бундай эмас-да. Тўғри, милиция бунга ёрдам беради. Бусиз мумкин ҳам эмас-да. Аммо терговни прокуратура терговчиси олиб боради.

- Билмаган эканман, - бош тебратди Замон Али.

- Бирга-бир-а? - кўзларини қисиброқ қаради Зоҳиров.

Вужудга келган озгина кескинлик юмшаб, ўрнини енгилгина жилмайиш эгаллади. Шундагина Замон Али суҳбатдошининг кўнгли беғубор, ўзига нисбатан ҳеч қандай адоват туймай, фақат иши юзасидангина мана шундай жиддий муомалада бўлишга мажбур эканлигини, ўз билганларини оқизмай-томизмай айтиб берсагина шу одам, фақат шу одам уни бу кўринмас сиртмоқ домидан қутқариб қола олишини англади.

- Ҳеч бўлмаса йўлда гаплашгандирсизлар?

- Бошқа-бошқа рейсларда бориб-қайтганмиз.

- Шундан бошқа ҳеч учрашганларинг йўқми?

- Нега энди? Қаршибоевнинг ижодий фаолияти вақтидаги мана бу суратни тушириш вақтида учрашганмиз-ку.

- Ана шуни гапиринг-да.

- Марказий матбуотнинг йўлланмаси билан Оролга кета туриб, бир-иккита суратларни ташлаб кетиш учун йўл-йўлакай вилоят газетасига ҳам кириб ўтдим. У ердагилар Қаршибоевнинг юбилейи муносабати билан ҳозирги айтган суратларимни етказишни сўрашган эди. Муҳарририятга келганимда у ердагилар бизнинг бош фотомухбиримиз бетоб бўлиб қолди, домлани ижодий иш жараёнида ҳам битта суратга олиб берсангиз, деб илтимос қилишди. Кўндим. Домла билан қўнғироқлашиб, келишилган вақтда бордим. Ўзимга керакли ҳолатларда бир неча суратларини олдим. Шу, тамом. Энг кейинги учрашувимиз шу эди.

- Нималар ҳақида гаплашдинглар?

- Яна деярли ҳеч нарса ҳақида десам, барибир ишонмасангиз керак. Чунки энди менинг вақтим зиқ, сафарим кечикаётган эди. Фақат хайрлашиб кетишим олдидан у киши, бир минутга шошманг, дедилар-да, бир тахлам қоғозларни олиб, менга бердилар. «Ука, илтимос, шуни марказий газеталардан бирортасида чиқартиринг. Эҳтимол мен излаган одам топилиб қолар. Шунда жуда савоб иш қилган бўлардингиз-да», дедилар.

- Чиқартирдингизми?

- Йўқ. Сурат билан бирга вилоят газетасига редакциясига олиб борган эдим, у ердагилар кўриб, «Шуни бизга қолдириб кетинг. Газетамизда фойдаланишимиз мумкин. Қайтишингизда олиб кетарсиз», дейишганди, қолдирдим.

**(Давоми бор)**

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-406 Тиражи-10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи:
А.ХЎЖАМОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
У. ДЎСМАТОВ
Компьютерда матн терувчи:
М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 5.
Тел,факс: (371) 133-34-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.

